

Мақтанчоқлар

Эртак

Бир куни саккизоёқ, оқ айиқ, акула ва шер ўзаро суҳбатлашиб турганларида, гап денгиз ва океанларга бориб тақалибди. Шунда саккиз тарафга ястаниб, ёнбошлаб олган Саккизоёқнинг мақтанчоқлиги тутиб кетибди ва дебди:

- Агар билсаларинг, ана шу Қора денгизни мен қорайтирганман.
- Қандай қилиб?-сўрабди ҳамсуҳбатлари.
- Унга оғзимдаги қора сиёҳларимни тинмай сочаверганим учун қорайиб кетган.

- Шу ҳам иш бўпти-ю,-дебди оқ айиқ оппоқ момик юнгини қашиб.- Шимолий муз океани илгари муз бўлмаган. Балки у ерда доимо ёз бўларди. Шимолнинг совуқ шамолларини ҳайдаб олиб келиб, аслида уни мен музлатганман. Шунинг учун ҳам, ундаги музлар менинг юнгларим каби оппоқ,-дея мақтанибди.

- Сенинг бу ишинг нима бўпти,-дебди акула оғзидаги икки қатор ханжардек тишларини кўрсатиб. - Тинч океанини агар мана шу тишларим билан тишлаб, тинчлантирмаганимда, у бир умр уввос солган тўс-тўполончи океанга айланиб қоларди,-дея мақтанчоқликда оқ айиқдан ҳам ошиб тушибди.

Уларнинг гапларини эшитиб, вазмин мушоҳада билан турган шер умрида мақтанчоқлик қилмаган, ёлғон гапирмаган бўлса ҳам, ҳозир унинг ҳам мақтанчоқлиги тутиб кетибди ва дебди:

- Э, сенлар ўзи ўлик денгизда чўмилганмисанлар! Уни ўлдирган ким? Уни мана шундай кучли панжаларим билан уриб ўлдирганман.

Суҳбатдошлари шернинг гапи гарчи ёлғон бўлса-да, бундан таъсирланиб кетишибди. Акула сўрабди:

- Ўлик денгизни нега ўлдиргансан?

Шернинг донишмандлиги тутибди ва шундай дебди:

- Мақтанчоқлик қилавергани учун!